*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2013 йил
**13 июль**
ШАНБА
**№ 56** (12588)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

**Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:**

1. 2013 йилнинг 15 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,15 баравар оширилсин.

2. 2013 йилнинг 15 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи – ойига 91 530 сўм;

ёшга доир пенсиялар – ойига 179 020 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 179 020 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 109 850 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2013 йилнинг 15 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2013 йилнинг 15 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 9 ноябрдаги ПФ-4482-сонли Фармони (6-банди истисно қилинган ҳолда) 2013 йилнинг 15 августидан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2013 йил 11 июль.

Иқтисодиёт



## ХОРИЖДА ҲАМ ХАРИДОРИ КЎП

**Мустақиллик йилларида мамлакатимиз чин маънода бунёдкорлик майдонига айланди. Бу эса ўз-ўзидан қурилиш маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг ортишига сабаб бўлди.**

Республика саноатининг илк қалдирғочи, тўнғичи бўлган "Бекободцемент" очиқ акциядорлик жамияти ана шу майдонда ҳанузгача етакчиликни қўлдан бермай келмоқда. Бунинг боиси бу ерда ишлаб чиқарилаётган цемент маҳсулотининг сифати юқорилигидадир.

Айни кунда корхона республикамиз ички эҳтиёжлари учун портланд, тез қотувчан, йўл қурилиши ва ва бошқа бунёдкорлик ишларида фойдаланиладиган саноатбоп сифатли цемент етказиб бермоқда.

– Цементнинг биздаги турлари Ўрта Осиё шароитига мослаштирилган, – дейди клинкер куйдириш цехи айланма печи катта машинисти Соли Мусаев. – Шу сабабли ҳам маҳсулотга бўлган талаб ортса ортаяптики, камаймаяпти.

Яқингача цемент ишлаб чиқариш қуввати йилига 620 минг тонна бўлган бўлса, ҳозирги кунга келиб бу 914 минг тоннага етди.

Биргина ўтган 2012 йилда ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 26 фоизга ўсди. Технологияларнинг янгиланиши, ишлаб чиқариш жараёнларининг автоматлаштирилгани бунинг асосий омили бўлди.

Корхона ўз маҳсулотлари билан хорижлик мижозларнинг ҳам ишончини оқламоқда. Жумладан, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар Қозоғистон, Туркманистон ва бошқа МДҲ мамлакатларига экспорт қилинмоқда. Сўнгги уч йилда 8 миллион доллардан зиёд цемент экспорт қилинди.

Жамиятда 1563 ишчи ва хизматчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксарияти ёшлардан иборат.

Сўнгги уч йилда 74 нафар ёш кадрлар ишга қабул қилинди. Шундан 24 нафари Бекобод коммунал-қурилиш касб-ҳунар коллежи битирувчиларидир.

**СУРАТДА:** Соли Мусаев (ўнгдан биринчи) ҳамкасблари билан.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Спортимиз маликалари

## ГИМНАСТИКАЧИЛАРИМИЗГА МУНОСИБ БАҲО

**Таҳририятимизга ташриф буюрувчиларнинг кети узилмайди. Кимдир мақоласини кўтариб келса, яна кимдир ўз ҳудудидаги янгиликлар билан ўртоқлашмоқчи бўлади. Вилоят Гимнастика федерацияси раиси Нафиса Турғунова юзида кулгу, қалбида бир олам ҳаяжон билан кириб келди. Қизиқиб бунинг сабабини сўрадик.**

– Асти сўраманг, – дея суҳбатга киришиб кетди опа. – Ҳаяжонланганимдан қай биридан бошлашни билолмай қолдим. Қувончли кунлардан бошимиз чиқмаяпти. Яқиндагина Бекобод шаҳрида ўтказган "Олимпия умидлари" очиқ республика турнири катта шов-шувларга сабаб бўлди. Республиканинг 96 нафар кучли гимнастикачилари орасида вилоятимиз қизлари муносиб ўринларни эгаллашганига нима дейсиз?!

Унинг айтишича, мазкур турнирда Зайнура Бобоназарова, Моҳира Раҳимова, Гулмира Ҳамзалиева, Райҳона Тожиқулова сингари вакилларимизнинг маҳоратини мутахассислар юқори баҳолашипти.

Яқинда Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси ташаббуси билан ўтказилган "VI Кичкинтой" халқаро болалар турнирида эса 30 нафар гимнастикачимиз муносиб иштирок этишди.

– Дарвоқе, федерациямиз 2 йилдан буён Ўзбекистон Гимнастика федерациясининг "Гармония элит" болалар ва ўсмирлар спорт клуби ҳамда "Ўзметкомбинат" ОАЖ ҳамкорлиги ва ҳомийлигида "Қувноқ карвон" халқаро турнирини ўтказиб келаётганидан хабарингиз бор, – дейди Н. Турғунова суҳбатни давом эттирар экан. – Мусобақаларга Бекобод шаҳри зўр иштиёқ билан мезбонлик қилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, бу йилги турнирда нафақат республикамизнинг барча ҳудудларидан, балки Туркия ва Эрондан ҳам вакиллар қатнашди. 280 нафардан зиёд гимнастикачи иштирок этган "Қувноқ карвон" ҳақиқий спорт байрамига айланиб кетди. Ғолиб ва иштирокчиларга фахрий ёрлиқлар ва эсдалик совғалари топширилди.



Маълумотларга қараганда, Тошкент вилояти бадиий гимнастика бўйича халқаро турнирларни ўтказишда етакчилик қилаётир. 119 та спорт тўгаракларида 62 нафар мураббий оз эмас, кўп эмас 3119 нафар қизга бадиий гимнастика сир-асрорларини ўргатаётгани ҳам қувонарли.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

**СУРАТДА:** "Қувноқ карвон"нинг жажжи маликалари.

## ҚУРИЛИШ ЯКУНЛАНМОҚДА

**Қибрай туманидаги санъат ва мусиқага қизиқувчи ёшлар янги ўқув йилини замонавий мактабда кутиб оладилар.**

Салар шаҳарчасида барпо этилаётган "Болалар мусиқа ва санъат мактаби"да сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилаяпти. "Турон-Саркор" масъулияти чекланган жамияти томонидан бунёд этилаётган ушбу иншоотда 1 миллиард 950 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

Акустикага эга концерт зали, кабинет ва синф хоналари энг сўнгги русумдаги талаб бўйича жиҳозланди.

Айни кунларда бу ерда жамиятнинг 60 нафар қурувчиси жадал суръатларда қурилиш ва пардозлаш ишларини якунлаяпти.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

## БИТИРУВЧИЛАР ЭНДИ ЧИННИСОЗ

**Маълумки Зангиота туманидаги эҳтиёжманд оилалар аъзоларини иш билан таъминлаш уларнинг иқтисодий аҳволини яхшилашда маҳалла фаолларининг ҳиссаси катта. Аҳмад Яссавий номли маҳаллада ҳам бирор янги ташкилот очилса, биринчи навбатда маҳаллий аҳолини ишга жойлаштиришга интилишади.**

Йил бошида ишга тушган "Султон трейд плюс" МЧЖ чинни буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Корхонада дастлаб 25 та иш ўрни яратилганди. Ишлаб чиқаришни кенгайтиришга муваффақ бўлаётган тадбиркорлар яна янги иш ўринлари яратиб, уларнинг сонини 20 тага етказишди. Шу баҳона бир нечта ҳунарманд ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ўндан ортиғи чиннисозлар жамоасига қабул қилинди.

**Ўз мухбиримиз.**

Ажабо?!

## БЕПИСАНДЛИК ҲАМ ЭПИ БИЛАНДА

**Газетанинг шу йил 3 май сонида "Эҳ, бу кўчалар, бефайз гўшалар" сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унда Чирчиқ шаҳридаги марказий кўчалар, автобус бекатларидаги бетартиблик ва хунук манзаралар қаламга олинганди.**

Ушбу мақолага жавобан Чирчиқ шаҳар ҳокимлигининг бош мутахассиси вазифасини вақтинча бажарувчи Т. Маякубов имзоси билан қуйидаги бир парча матн келди. Ушбу жавоб хатини айнан келтиришни лозим топдик.

" 19 06 2013 йил

№3/405

Нусхаси: Тошкент ҳақиқати ва Ташкентская правда газеталари бош муҳаррири У. Абдушохидовга

Чирчиқ шаҳар ҳокими Ф. Хайруллаевга

Сизнинг 08.05.2013 йил 3/-405 сон хатингизга Тошкент ҳақиқати газетасининг 2013 йил 4 май 37 сонида "Эх,бу кўчалар, бефайз гўшалар" сарлавҳали мақола чоп этилган еди. Унда Чирчиқ шахрининг марказий кўчаларидаги бекат ва бошқа жамоат жойларидаги баъзи нохуш манзиллар тилга олиниб, бугунги кунда ушбу камчиликлар бартараф этилганини маълум қиламиз.

Чирчиқ шаҳар ҳокимлигининг бош мутахассиси в.в.б Т. Маякубов."

Чирчиқ шаҳар ҳокимлигининг расмий бланкасида ёзилган ва факс орқали жўнатилган номани ўқиб, ҳеч нима тушунмадик.

Аввало, 19 июнда ёзилган хат факс орқали 9 июлда жўнатилгани ғалати. Қолаверса, унинг пешонасида № 3/405 рақами ёзилган.

Матнда эса "Сизнинг 08.05.2013 йил 3/-405 сон хатингизга" дейилмоқда. Хўш, бу хат қаердан қаерга бир хил рўйхатга олиш рақами билан жўнатилмоқда?

Таҳририят мақолада келтирилган камчиликлар бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида маълум қилишларини сўраб бош муҳаррир У. Абдушоҳидов имзоси билан Чирчиқ шаҳар ҳокими Ф. Х. Хайруллаевга 72-рақам билан рўйхатга олинган расмий хат жўнатаяптию жавоб эса тумтарақай, ғализ, имловий хатоларга тўла ҳолда, бош мутахассис вазифасини вақтинча бажарувчи Т. Маякубов имзоси билан Чирчиқ шаҳар ҳокими Ф. Хайруллаевга йўлланаяпти.

Хўш, бу хатда қандай мантиқ бору, нима мақсадда таҳририятга жўнатилган?

Ҳар ҳолда ушбу номани беписандликдан бошқа нарса деб бўлмайди. Гўё Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги газета чиқишини менсимагандек,, таҳририят мурожаатига панжа ортидан қарагандек, "қўлингдан келганини қил" қабилида иш тутгандек туюлди бизга.

Жавоб хати шунчалар "сермазмун"лигидан мақола бўйича айнан қандай ишлар амалга оширилгану, қайси нохуш манзаралар бартараф этилганинику умуман англай олмадик.

Қисқаси таҳририятдан борган расмий хатга ҳокимлик ўта совуққон муносабатда бўлган ва тўрт қатор бемаъни сўзлар жамламаси билан қутулишни ўзига эп кўрган. Чирчиқдек шаҳар маъмурияти учун бундай тутуриқсиз номалар муносибмикан?

Шу ўринда яна бир гап. Газетадаги бу каби танқидий мақолалар шунчаки эълон қилинаётгани йўқ. Аксинча, таҳририят ўзининг бу саъй-ҳаракатларини вилоятнинг ҳар тарафлама гуллаб-яшнаши, обод бўлиши йўлида қўшаётган кичик бир ҳиссаси деб билади. Шундай экан, ҳар бир чиққан танқидий мақола мавзусига яна қайтади.

Вилоят ҳокими топшириқлари қандай бажарилаяпти?

**Яқинда хизмат сафари билан Қуйи Чирчиқ туманида бўлдик. Ҳокимлик биноси қаршисидаги Хотира майдони дилни хира қиладиган манзаралар билан диққатимизни тортди.**

**Ҳудудни ўраб турган панжараларнинг айримлари изсиз йўқолган йўл четидаги бетон ариқларнинг баъзилари бузилиб кетган, созлари эса турли чиқиндиларга тўлган, ёввойи ўтлар билан қопланган.**

## САБАБЛАР БАҲОНА БЎЛОЛМАЙДИ

Темирдан ясалган панжаранинг учдан бири кесиб кетилган дарвозадан хиёбонга кирдик. Очиғи, ичкаридаги манзара ташқаридагидан қолишмайди. Ерни маиший маҳсулот чиқиндилари, ёввойи, қуриган ўт ва ниҳоллар ҳамда тиканлар қоплаган. Йўлларга ётқизилган қопламалар, Мотамсаро она ҳайкали ортидаги аркка ёпиштирилган мармарлар аллақачон кўчиб тушган. Арк устунига эса севишганларнинг "дилнома"лари битилган. Зиёратчиларнинг ҳордиқ чиқаришлари учун қурилган ягона усти ёпиқ чорпоя ҳам бугунги кун талабига умуман жавоб бермайди.

Дарвоқе, иншоотнинг олд эшигидан Мотамсаро она ҳайкалига элтувчи йўлак бор. Унинг икки четидаги қора мармар тошлардаги ёзувлардан англашилишича, бу мажмуа эл-юртимиз озодлиги ва эркинлиги йўлида, халқимизнинг қадр-қиммати, ор-номусини, миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимизни ҳимоя қилишда, босқинчи ва ёвуз кучларга қарши машаққатли курашларда қурбон бўлганлар хотираси учун бундан 12 йил муқаддам ҳашар йўли билан қурилган..

Хотира инсон онгида мангу муҳрланади. У шу жиҳати ва умуминсонийлиги билан қолган тушунчалардан ажралиб туради. Шунинг учун ўтганлар ёди билан яшаш, улардан қолган меросни асраб-авайлаш, ўтирган уйини, ётган қабрини озода тутиш инсониятга хос. Бироқ бу ердаги ҳолат... Шу масалага туман ҳокимлигидаги айрим мансабдор шахслар эътиборини қаратганимизда, ҳозир бундан-да муҳимроқ ишлар борлигини, таъмирлашга харжланадиган маблағ бюджетда йўқлигини рўкач қилишди..

– Мажмуани ҳашар йўли билан тартибга солиш керак. Бу масала билан туман ободонлаштириш бўлими ёки қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғини раислари, фаоллари шуғулланишади, – дейишди улар. – Лекин, ҳозир кўпчилик ғалла ўрими, пахта чопиғи билан банд.

*(Давоми 2-бетда).*

**Вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" шиори остида маданий-маърифий тадбир, кўнгилли учрашувлар давом этмоқда. Пискент туманида вилоят, туман ҳокимлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ўтказилган шундай тадбир ва учрашув туман аҳолисига бекиёс шодлик, қувонч бағишлади.**





# ОНА ЮРТ МАДҲИ ТИЛЛАРДА, МУҲАББАТИ ДИЛЛАРДА

Республика Адлия вазири ўринбосари Отабек Муродовнинг мустақил Ўзбекистонимизнинг 22 йил давомидаги юксалиш мезонлари, истиқлол неъматлари ҳақидаги маърузаси, халқимизнинг ардоқли шоир, ёзувчилари, таниқли санъаткорлар, Ўзбекистон халқ артистлари Тўти Юсупова, Марям Ихтиёрова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Одина Нарзуллаева, Дилдора Ниёзова, Алишер Файз ва бошқаларнинг чиқишларини томошабинлар давомли қарсаклар, олқишлар билан кутиб олишди. Туман аҳлининг қувончи, шодлиги, байрамона жўшқин кайфияти бежиз эмас. Қадр-қиммати буюк, Ўзбекистондек Ватан ардоғида, паноҳида, обод хонадонлар, гўзал масканларда умргузаронлик қилаётган пири бадавлат кексалар, бахтиёр ёшлар ўзлари учун қуриб қўйилган замонавий уйлар, кошоналарда бахтли ҳаёт кечирашаётгани айни ҳақиқат. Пискентликлар меҳмонларга ташрифи учун миннатдорчилик билдирар экан, тумандошларининг Обод турмуш йилидаги яратувчанлик, бунёдкорлик ишлари давом этиши, истиқлол неъматларини қадрлаш, эъзозлашда барчага ибрат бўлишларини алоҳида таъкидлашди.

**Саида РАҲМОНОВА.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Сўраган эдингиз

# ТАДБИРКОРМИСИЗ, ПЕНСИЯ ОЛАСИЗ!

***Қўлимда ҳунарим бор. Давлат корхонасидан бўшаб якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланмоқчиман. Пенсияга чиққанимда уни қандай расмийлаштираман? Қолаверса, пенсия миқдори нимадан келиб чиқиб ҳисобланади ва белгиланади?***

***Сарвар Маҳмудов, Зангиота тумани.***

Саволга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи Лазиз Йўлдошев жавоб беради.

– Бу борадаги барча меъёрий талаблар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг меҳнат стажини ҳисобга олиш ва уларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига бадаллар ажратилиши тартиби орқали йўлга қўйилган.

Юқоридаги саволдан келиб чиқадиган бўлсак бундай вазиятда давлат корхона ва ташкилотларидан ишдан бўшаш шарт эмас. Якка тартибдаги тадбиркорлик билан ўриндошлик асосида ҳам шуғулланиш мумкин. Унда меҳнат дафтарчаси асосий иш жойида юритилади.

Агар фақат тадбиркорлик билан шуғулланилса меҳнат дафтарчаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасида сақланади ва юритилади. Агар йўқ бўлса очилади.

Пенсияга чиққунга қадар тўланадиган суғурта бадалларининг максимал миқдори қонунчиликда белгиланмаган. Шу сабабли тадбиркор ўзи истаганча аммо, энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ҳар ойда тўлаб бориши лозим. Ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга ҳамда I ва II гуруҳ ногирони бўлган тадбиркорлар эса энг кам иш ҳақининг камида 50 фоизи миқдорида бадал тўлайдилар.

Суғурта бадаллари тўлови ҳисоби тадбиркор яшайдиган жойнинг солиқ идоралари томонидан назорат қилинади

Солиқ идораси томонидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига бериб бориладиган ҳисоботга асосан махсус шахсий карточка ҳамда суғурта бадалларини ҳисобга олиш дафтари очилади. Ҳар икки ҳужжатда тадбиркорнинг тўлаган бадаллари қайд этиб борилади.

Пенсия ва давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш учун меҳнат стажини ҳисоблаб чиқишда, агар тўланган бадаллар суммаси ушбу йилнинг барча ойлари учун белгиланган энг кам бадалдан кам бўлмаса (тўланган пенялар ҳисобга олмаган ҳолда), стажга календарь йил қўшилади.

Тўлиқ календарь йил мобайнида тадбиркорнинг асосий фаолияти қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш бўлган ҳолларда, агар мазкур йилда бадаллар камида 9 ой мобайнида тўланган бўлса, стажга календарь йил қўшилади.

Меҳнат дафтарчаси бўлмаган ёки йўқотилган тақдирда тадбиркорнинг пенсия ёки ижтимоий суғурта бўйича нафақа тайинлаш учун зарур бўлган иш стажи ҳисобга олиш карточкаси ёки ҳисобга олиш дафтарларидаги ёзувлар бўйича ҳисоблаб чиқилади.

Тадбиркор сифатидаги иш фаолияти ва унинг давомийлиги гувоҳлик кўрсатмалари билан тасдиқланмайди.

Тадбиркорнинг пенсияси ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган иш ҳақининг миқдори тўланган суғурта бадалларининг миқдорига боғлиқ.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуни 31-моддасига мувофиқ, пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун иш ҳақи мавжуд танаффуслардан қатъи назар, охирги ўн йиллик меҳнат фаолияти давомидаги исталган кетма-кет беш йилдаги (пенсия сўраб мурожаат этган кишининг танлови бўйича) иш ҳақи олинади.

Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган иш ҳақи ўтган йиллардаги иш ҳақларини пенсия тайинланадиган кундаги иш ҳақи даражасига келтириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда қайта ҳисобланади.

Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақи кетма-кет ишланган олтмиш календарь ойлар учун қайта ҳисобланган иш ҳақининг умумий миқдорини олтмишга бўлиш йўли билан аниқланади.

Вилоят ҳокими топшириқлари қандай бажарилаяпти?

# САБАБЛАР БАҲОНА БЎЛОЛМАЙДИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Хуллас, уларнинг сўзларига қараганда, Хотира майдонини ободонлаштириш ишлари тўхтаб туришининг ўзига хос сабаблари бор эмиш...

Ҳокимият биносидан чиқиб Дўстобод шаҳри марказига кетаётганимизда туман прокуратурасининг ўнг томонидаги спорт майдончасидаги аҳвол ҳам эътиборимизни тортди. Боиси, бу ер ҳам Хотира майдонидаги ҳолатдан умуман фарқ қилмайди. Қизиғи, баскетбол майдончасининг энига икки тарафидаги панжара олиб ташланган ва аҳоли юриши учун йўлакча ҳосил қилинган экан. Сабабини стадионда мол боқаётган ўша ерлик болалардан сўраганимизда, Чугунова билан Охунбобоев кўчасини шу майдон тўсишини, ҳудуд панжараларининг маълум қисми олиб ташлангач, стадион икки маҳалла ўртасида "кўприк" вазифасини бажараётганини айтишди.

Ҳайрон бўлиб биз ҳам ўша "кўприк"дан Чугунова кўчасига ўтдик. Маълум масофа йўл юргач, чап томонда аллақандай ташландиқ бинога кўзимиз тушди. Бундай номлашимизнинг сабаби, унинг орт томони ахлат уюмига тўлган, ойналари чил-чил синган эди. Мазкур объектнинг олд тарафига ўтганимизда туман маданият ва спорт ишлари бўлими эканлиги маълум бўлди. Туман ҳудудида бу каби лоқайдликларга кўп тўқнаш келганимиз учун муаммони чуқурроқ ўрганишга киришдик.

Туман марказий маданият уйи директори Тоҳир Раҳматов, бир неча югур-югур, мурожаатлардан сўнг иншоотни таъмирлаш ва замонавий жиҳозлар билан таъминлаш режаси 2015 йилги дастурга киритилганини, бунинг учун саккиз миллиард маблағ йўналтирилганини, шу маблағ ҳисобидан туманда маданият ва истироҳат боғи барпо этилиши режалаштирилаётганини гапириб берди.

– Боғ учун 2 миллиард маблағ ажратилиши белгиланган, – деди у. – Биз жамоа аъзоларимиз билан келишиб, туман маданият ва истироҳат боғининг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш бўйича таклифларимизни мутасаддиларга хатга илова қилиб жўнатдик.

Иловада боғ ҳудудини ободонлаштириш, қурилиши керак бўлган майдончалар, аттракционлар, жиҳозлар ва анжомларнинг умумий миқдорини, ундаги ҳомийлар ва бюджет ташкилотлар ҳиссасини, шунингдек, қилинадиган ишлар муддатини аниқ рақамларда кўрсатганмиз".

Шунингдек, мазкур бинода Қуйи Чирчиқ касб-ҳунар коллежининг Ахборот-ресурс маркази 1-филиали ҳам фаолият юритар экан.

Фикримизча, ахборот-ресурс марказлари анъанавий кутубхоналардан замонавий моддий-техник базаси билан фарқланади. Чунончи компьютер, нусха кўчириш аппарати, телевизор, DVD player, проектор ва бошқа жиҳозлар билан тўлиқ жиҳозланган бўлади.





Аҳвол билан танишиб, бу ер ахборот-ресурс маркази деган номга ва унинг талабларига мутлақо жавоб бермайди деган хулосага келдик. Кутубхоначилардан бирининг оғзаки берган маълумотларига қараганда, қишда иситиш тизими ишламас экан, ишлаган тақдирда ҳам талаб даражасида эмас. Китоб фондининг асосини рус тилидаги адабиётлар ташкил этади. 2006 йилдан буён бу ерга янги нашрдан чиққан адабиётлар келмаяпти.

АРМ аъзолари моддий-техник базани янгилаш, хоналарни таъмирлаш таклифи билан тегишли муассасаларга мурожаат қилган бўлишларига қарамай, ҳеч нарса ўзгармаяпти.

Бундан чиқди, юқоридаги муаммоларни бартараф этишда туман марказий маданият уйи раҳбаридек югур-югурга зўр бериш керак. Шунда Хотира майдонидаги тошга ёзилган бўёқдор сўзларни амалда кўриш, ҳалиги майдонни эса "кўприк лавозимидан" ўз "мансабига" тушириш мумкин бўлади, а лаббай?!

**Бекзод ҲИДОЯТОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Муаллиф олган суратлар.**

**Бекобод шаҳридаги саноат ва техника иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида "Ёшлар ўртасидаги нохуш ҳолатлар, ҳуқуқбузарлик ҳамда оммавий маданиятнинг олдини олиш" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.**

# ҲУҚУҚИЙ БИЛИМГА БАҒИШЛАНДИ

Вилоят ички ишлар бошқармаси, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида уюштирилган тадбирда тегишли соҳа вакиллари ҳамда коллеж ўқувчилари иштирок этдилар.

Суҳбат мобайнида ёшлар ўртасида нохуш ҳолатлар, эрта никоҳларнинг олдини олиш бўйича маъмурий ва жиноят кодексига киритилган ўзгартиришлар, уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида тушунчалар берилди.

**Боқижон СОДИҚОВ.**

# «НОГИРОНЛАР» ЖАМИЯТИ – ГРАНТ СОҲИБИ

**Пискент тумани "Ногиронлар" жамиятига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қошидаги нодавлат нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш жамоатчилик фондининг 15 миллион сўм миқдордаги гранти берилди.**

Таъкидлаш керакки, жамият тумандаги ногиронлар ва уй бекаларини фойдали меҳнатга жалб этиш борасида қатор хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Сўнгги бир йилда жамият раиси Шаҳноза Абдураҳмонованинг ташаббуси билан ишлаб чиқилган бизнес режалар асосида бир қатор янги иш ўринлари яратилади.

Танловда 15 миллион сўмлик грантга лойиқ деб топилган ҳудудда тикувчилик цехи ва қандолат ишлаб чиқаришга мўлжалланган навбатдаги лойиҳа ҳам маҳаллий хом ашё ҳисобига ички бозоримизга маҳсулот етказиб беришга ихтисослашганлиги билан эътиборга сазовор бўлди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**



# ДАЛАНИ ДЕҲҚОН ЯШНАТАДИ

**"Зиёвуддин Ризқи али" фермер хўжалигини Қибрай туманида илғорлар қатори тилга олишади.**

Қурбонали Зиёвуддинов раҳбарлик қилаётган хўжалик ташкил топган 1992 йилдан буён ғалла сотиш шартнома режаларини мунтазам ортиғи билан бажариб келмоқда. Хўжаликнинг ер майдони нисбатан чоғроқ 17 гектар бўлишига қарамай, тумандаги қолган фермерларга намуна бўла олади.

– Бу бежиз эмас, – дейди фермер. – Ҳисоблаб қарасам, 30 йилдан зиёд умримни ерга берибман. Соҳада озми-кўпми тажриба орттирдим. Қолган хўжаликларга ўрнак бўляпманми? Демак, умрим зое кетмабди.

Хўжалик бу йил ҳам давлат эҳтиёжлари учун ғалла сотиш шартномасини муддатидан аввал бажарди. Энг муҳими, 7 гектарда ундирилган "Таня-элита" навли ғалла ҳосили 60 центнерданга тўғри келди. Қабул пунктига режадаги 25 тонна ўрнига 30 тонна дон топширди. Қолганини хўжалигининг доимий 8 аъзосига тенг бўлиб берди.

– Энди бор эътиборимизни 5 гектардаги боғ ҳамда шунча майдондаги картошка, пиёз, помидор ва бошқа сабзавот парваришига қаратамиз, – дейди фермер Қурбонали Зиёвуддинов. – Боиси, бу йил қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи замонавий техника харид қилиб, цех очиш режамиз бор. Ниятимизга етсак, қишлоқдаги ёшлар ишли, биз эса қўшимча даромадли бўламиз.

**Бахтиёр ШАВКАТОВ.**

**СУРАТДА:** Қурбонали Зиёвуддинов картошка ҳосилидан мамнун.
**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

# ДИПЛОМ БИЛАН БИЗНЕСГА

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал демократик партияси томонидан "Микрокредитбанк"нинг вилоят бўлими билан ҳамкорликда тумандаги ижтимоий иқтисодиёт коллежида "Диплом билан бизнесга" лойиҳаси доирасида ўтказилган тадбир ҳам шунга бағишланди.**

Ўрта Чирчиқ туманидаги коллежларнинг 200 нафардан ортиқ битирувчилари иштирок этган тадбирда ёшларга тадбиркорликни йўлга қўйиш, ўз бизнесини ташкил этиш юзасидан тушунтириш ва йўлланмалар берилди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга мутахассислардан батафсил жавоб олишди. Шу куни энг истиқболли деб баҳоланган уч нафар битирувчининг бизнес-режаси ташкилотчилар томонидан диплом билан тақдирланди ва улар лойиҳанинг вилоят босқичида иштирок этиш учун йўлланмага эга бўлишди.

**Умида ИСАЕВА.**

ИЖТИМОИЙ ЭЪЛОН

## ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Юридик мақомга эга бўлган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда масъул ходимларини давлат статистика тизимидаги 1-KB shakli, 1-KB shakliga ilova (AKT), 2-turizm shakli, 1-AKT shakli, 1-bozor shakli ва 1-invest shakliga ilova чораклик давлат статистика ҳисоботларини 2013 йил 25 июл кунидан кечиктирмаслигингиз юзасидан огоҳлантириб ўтамиз.

Давлат статистика кузатувини олиб бориш учун зарур бўлган ҳисобот ва бошқа маълумотларни тақдим этмасликда ифодаланган давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузиш, ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиш ёки ҳисоботларни тақдим этиш муддатларини бузиш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 215-моддасида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Ҳозирги кунда тадбиркорлик субъектларига қулайликлар яратиш мақсадида, электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда статистик ҳисоботларни электрон кўринишда тақдим этиш Тизими фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453-сонли "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони талаблари ҳисобот тақдим қилиш тизимида сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтариш имконини бермоқда. Мазкур ҳужжатда статистика ҳисоботларини соддалаштириш, уларнинг шаклларини қисқартириш ва тақдим этишнинг такомиллаштирилган механизмини жорий қилиш бўйича кўплаб вазифалар белгилаб берилган. Шундан келиб чиқиб, 65 та давлат статистика ҳисоботлари шакли қисқартирилган бўлса, 23 тасининг тақдим этиш даврийлиги узайтирилди. Булар кичик бизнес субъектлари учун кўплаб қулайликларни яратмоқда. Илгари микрофирмалар бир йилда 4 марта ҳисобот топширган бўлса, энди 1 марта йиллик ҳисоботни тақдим этади. Фермер хўжаликлари томонидан эса 5 марта ўрнига йилда 3 марта ҳисобот тақдим этиши белгиланган.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 18 июлдаги "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида соҳага бир қатор янгиликлар татбиқ қилинди. Статистика ҳисоботларини топширишнинг электрон тизимига ўтиш бўйича изчил чора-тадбирлар кўрилаётгани, айниқса, эътиборга молик. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасида Электрон рақамли имзо (ЭРИ) дан фойдаланган ҳолда, электрон кўринишдаги статистика ҳисоботини йиғиш тизими кенг йўлга қўйилди. Бундай кўринишдаги давлат статистика ҳисоботларини интернет орқали жўнатиш тизимининг асосини "eStat 2.0" дастурий таъминоти ташкил этади. Яъни ҳозирги кунда 13 та ойлик, 35 та чораклик ва 93 та йиллик, жами 141 давлат статистика ҳисобот шакли хўжалик субъектлари томонидан электрон тарзда тақдим этилиши учун имкониятлар яратилган.

Давлат статистика ҳисоботларини электрон шаклда топширишнинг автоматлаштирилган ахборот тизими – "eStat 2.0" орқали амалга оширилмоқда.

"eStat 2.0" ахборот тизимининг функционал қулайликлари қуйидагилардан иборат:

" статистик ҳисоботларни топширишда вақтнинг тежалиши;

" давлат статистика органларига бухгалтерларнинг шахсан келишини бартараф қилиниши;

" статистик ҳисобот шаклларининг бирламчи шахс томонидан тўлдирилиши ҳисобидан турли хатоликлар сонининг тубдан қисқариши;

" электрон шаклда киритилган статистик ҳисоботларнинг нусхасини қоғоз шаклда ҳам олиш имкониятининг мавжудлиги;

" статистик ҳисобот шаклларининг тезкор ва ўз вақтида янгиланиб борилиши;

" ахборот тармоғи орқали узатилаётган ахборотларнинг махфийлигини таъминланиши (барча ҳисоботлар жўнатишда ахборотларни криптографик ҳимоялаш воситасидан фойдаланилади).

Корхона ва ташкилотлар статистик ҳисоботларни электрон усулда топширишлари учун:

" Интернет халқаро ахборот тармоғига уланган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маркази томонидан берилган электрон рақамли имзога эга бўлиши керак;

" Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz расмий сайтидан махсус автоматлаштирилган ахборот тизими кўчириб олиб ўрнатилади;

" топширилиши керак бўлган ҳисобот шакли танлаб олиниб тўлдирилади ва арифметик, мантиқий назоратдан ўтказилади ҳамда ҳисобот жўнатилади;

" ушбу тизим мустақил равишда флэшкадан электрон рақамли имзони излайди ва топгандан кейин ҳисоботни имзолайди ҳамда ҳисоботни ДСҚ серверига жўнатади;

" статистика органлари ходимлари ҳисоботларни махсус дастур орқали қабул қилиб олади. Уларни текширади, агар хатоликлари бўлмаса қабул қилади, акс ҳолда хатоларини кўрсатиб, ҳисоботни тузатиш учун қайтариб юборади.

**Тошкент вилояти статистика бошқармаси.**

ИЖТИМОИЙ ЭЪЛОН

## ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

**Тошкент вилоят ҳокимининг 2009 йил 2 февралдаги 12-сон "Вилоят ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш тўғрисида"ги фармойишига асосан сифатли озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларини танлаб олиш бўйича вилоят Танлов комиссияси фаолият юритмоқда. Комиссия 2013 йил III чорак учун Тошкент ҳарбий округи таркибига кирувчи ҳарбий қисмларга сифатли озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш бўйича қуйидаги маҳсулотларга қайта танлов эълон қилади:**

1. Иккинчи тоифали гўшт маҳсулоти (ГОСТ 779-55)
2. Ярим дудланган колбаса маҳсулоти (O'zDSt 148-2001, ГОСТ 16351-86) (олий навли)
3. Дудланган гўшт (O'zDSt 994-2001)
4. Товуқ тухуми Д-1 (O'zDSt 626-2004)
5. Лавлаги (ГОСТ 1722-85)
6. Сабзи (ГОСТ 1721-85)
7. Бодринг янги узилган
8. Шолғом, турп, редиска
9. Ошқовоқ
10. Қуритилган мевалар
11. Хамиртуруш (дрожжи) (ГОСТ 171-81, ГОСТ 28483-90)
12. Сомон
13. Пичан
14. Сули, арпа.

Танловда мазкур маҳсулотларни етказиб бериш бўйича тажрибага эга бўлган ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ танловларда иштирок этиш ва маҳсулотлар етказиб бериш бўйича фаолияти тақиқланмаган фермер ва деҳқон хўжаликлари, ишлаб чиқариш ва савдо корхоналари иштирок этишлари мумкин.

Ёзма аризаларда қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим: хўжалик субъектининг тўлиқ номи, почта манзили, телефон ва факс рақами, электрон почта манзили, Ф.И.Ш.

Ёзма аризалар ва танлов таклифлари солинган конвертлар қуйидаги манзилга топширилади: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 17-уй, Тошкент вилояти ҳокимияти. Ёзма аризалар ва муҳрланган конверт 2013 йил 15 июль кунидан кечиктирмасдан тақдим қилиниши лозим.

**Конвертга қуйидаги ҳужжатлар солинган бўлиши керак:**

– маҳсулотлар номи, нархи ва ҳажми кўрсатилган тижорат таклифи;

– гигиена, сифат ва карантин бўйича сертификатлар;

– лицензия, корхона низоми ва паспорти нусхалари;

– солиқ ва хизмат кўрсатувчи банкдан қарздорлик мавжуд эмаслиги;

– мавжуд ишлаб чиқариш майдони, омбор (музлаткич) тўғрисидаги маълумотномалар.

Танлов таклифлари солинган конвертларни 2013 йил 16 июль куни Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 17-уй, Тошкент вилояти ҳокимияти биносида (3-қават) танлов қатнашчилари ёки уларнинг вакиллари иштирокида очиш режалаштирилмоқда.

**Маълумот учун телефонлар:** (8-371) 236-29-10, 233-75-11.

Кўргазма



# ҚОҒОЗЛАРДА ҚОЛГАН ЛАҲЗАЛАР

**Тошкент Фотосуратлар уйида фотосанъат мактаб-студияси битирувчиларининг анъанавий кўргазмаси очилди.**

Кўргазманинг очилишида битирувчиларга тантанали равишда мактаб-студияни тугаллагани ҳақидаги сертификатлар топширилди. Мактаб-студияда таҳсил олганлар ўқиш жараёни билан бир қаторда таниқли фотоусталарнинг маҳорат дарсларида қатнашиш, ҳаётнинг қайноқ жойларида амалиёт ўтиш имкониятига ҳам эга бўлдилар.

Мазкур экспозицияда портрет, манзара, натюрморт, репортаж каби жанрларда турли касб эгалари бўлган 16 иштирокчининг услубий ва мавзу жиҳатдан хилма-хил 130 га яқин ишлари намойиш этилмоқда. Битирувчиларнинг кўпчилиги учун бу кўргазма ўзига хос ижодий илк намойиш бўлди. Фотосуратларда табиат манзаралари, бир неча авлод вакиллари портретлари, юртимиз санъати, маданиятининг айрим қирралари, пойтахтимизнинг турли кўринишлари, ёшлар ҳаётидан лавҳалар, беғубор болалик, ҳаёт фалсафаси, шукроналик, урф-одатларимиз, қадриятларимиз, турмуш тарзимизга оид лаҳзалар акс этган.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**

Ягонасан, муқаддас Ватан!

# «СЕНИ ДЕЯ ЁНГАН ЮРАКЛАР...»

**Мустақил Ўзбекистон халқининг энг улуғ, энг азиз байрами – Истиқлолимизнинг 22 йиллик тантаналари тобора яқинлашиб келмоқда. Уни соғиниб, энтикиб кутаётган бедор юраклар эзгу тилакларга, ширин-ширин орзуларга, буюк соғинч аллалаган алёрларга тўлиб-тошган. Юртбошимиз ташаббуси билан ўтказилаётган анъанавий "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танлови вилоятимизнинг санъатсевар халқига беқиёс шодлик, унутилмас лаҳзаларни ҳадя этди.**



Йилдан-йилга нуфузи ортиб, кўлами кенгайиб бораётган бу тадбирда иштирок этувчилар сони 400 дан ошиб кетди. Шаҳар, туманларда сараланиб, танловнинг вилоят босқичига етиб келган 70 нафар хонанданинг чиқишларини нуфузли ҳакамлар ҳайъати баҳолаб борди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Темур Маҳмудов, атоқли бастакор Надим Норхўжаев, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, "Нуроний" газетаси бош муҳаррири, шоир Темур Убайдулло, шоир Ботир Эргашев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тошпўлат Маткаримов ҳар бир иштирокчининг ижро маҳорати, танланган қўшиқ матни, мусиқаси, саҳна маданиятини диққат билан кузатиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб боришди. Бир қарашда иштирокчиларнинг деярли барчаси ғолибликка муносиб: уларнинг юрагида, юзкўзида Ватан ишқи, меҳри жўш уриб турибди.

– Туғилган юртимни, она диёримни, истиқлолимни мадҳ этаман дея саҳнага чиққан ҳар бир тоза қалб эгаси аслида ғолиб, – дейди вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Хуршид Тошпўлатов. – Чунки сиз мустақиллик неъматларини англашни, қадрлашни, Ватан учун жонни ҳам аямаслигингизни изҳор этмоқдасиз. Энг муҳими, шукроналик, фидойиликдир...

Ҳақиқатан ҳам, етти ёшдан етмиш ёшгача Ватан ишқида ёниб, уни мадҳ этаётган оташин ватанпарварлар ҳар қандай инсонни чуқур ҳаяжонга солади. Ангренлик Шаҳзод Абдуқулов, янгийўллик Озодбек Халилов, паркентлик Нодира Мансурова, Оққўрғондан Охунжон Мавлонов, Ўрта Чирчиқдан Ғиёс Султонов, Бекободдан Шерзод Шодмонов, Олмалиқдан Феруза Абдуллаева, Нурали Раимжонов, Бўстонлиқдан Тожиали Ашуров... Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Томошабинлар меҳрига, ҳакамлар эътиборига сазовор бўлганлар кўп бўлди. Аммо танлов ўз номи билан танлов. Вилоятимиз шаънини муносиб ҳимоя қила оладиган ижро маҳорати кучли, саҳна маданияти, савияси юқори санъат ихлосмандларини саралаш осон кечмагани кўриниб турибди. "Ягонасан, муқаддас Ватан!" танлови ғолиблари: 1-ўринга Фахриддин Турсунов (вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси Академик ва халқ бадиий жамоалари дирекциясининг "Шош наволари" ансамбли хонандаси) ва "Ўзбекнаво" бирлашмаси вилоят бўлими йўналиши бўйича Феруза Абдуллаева муносиб кўрилди. Танлов якуни, ҳакамлар хулосасига кўра 2-3-ўринларни эгаллаган янгийўллик Ваҳобжон Охунов ва Нодира Каримжонова (дуэт), Қаҳрамон Ҳайдаров, ангренлик Шаҳзод Абдуқулов, янгийўллик Озодбек Халилов, Маржона ва Заржоналар, Олмалиқдан Нурали Раимжоновларга ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқ, диплом ва совғалари топширилди.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Ёз – 2013

# ОТА-ОНАМ БИЛАН КЕЛСАМ ЭДИ...

**Аввал хабар қилинганидек, вилоят ҳокимлиги ҳамда "Меҳр-шафқат ва саломатлик" жамоат фонди ваколатхонаси ҳамкорлигида боқувчисини йўқотган, кам таъминланган, ногирон ва етим болаларни ёз ойларида кўнгилли дам олдириш акцияси ўтказиляпти.**



"Ҳар бир болага меҳр, эътибор" шиори остидаги акцияда 12 июндан 13 августгача 1650 нафар болани Тошкентдаги сўлим гўшаларга, хусусан, "Тошкентленд", пойтахтдаги ботаника ва ҳайвонот боғларига дам олиши ташкил этилмоқда.

Ўтган куни ва кеча Олмалиқ, Ангрен шаҳарлари, Бўстонлиқ, Оққўрғон, Янгийўл туманларидаги махсус интернат мактаблари, меҳрибонлик уйларидан келган 400 бола "Тошкентленд" маданият ва истироҳат боғида маза қилиб ҳордиқ чиқарди. Боғдаги замонавий аттракционлар кўнгли ярим болажонларга олам-олам қувонч бағишлади.



– Мен бундай чиройли боғга биринчи марта келишим, – дейди олмалиқлик Гўзал Муҳаммадраҳимова. – Анчадан бери замонавий аттракционларда учишни истардим. Биз учун яратилган шарт-шароитлар тўлатўкис. Лекин бундай жойларга ота-онам билан келсам дейман.

**Хуршида МЎМИНОВА.**

**СУРАТЛАРДА:** болажонларнинг қувончи боғни тўлдирди.

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

Рассом хандаси




**ЭЪЛОН**

Яккасарой туман инспекцияси томонидан 2011 йил 9 февралда 005809-11-сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган "LOTUS-TEKS" МЧЖнинг устав жамғармаси 26 000 000 сўмдан 17 544 000 сўмга камайишини маълум қилади.

Оққўрғон тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 2009 йил 25 августда 160/1251-сон билан давлат рўйхатидан ўтган "QOSIMOV ABROR AGRO" деҳқон хўжалигининг устави ҳамда гувоҳномасининг асли йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент авиасозлик касб-ҳунар коллежи томонидан 2010 йилда Назаров Иномжон Байдулла ўғли номига берилган К № 1868110 рақамли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

O'zLiDeP Қуйи Чирчиқ туман Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари – аппарат раҳбари Эркин Джураевич Турагаловга акаси **Усмон ТУРАГАЛОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталари жамоаси таҳририят бухгалтери Айтбану Нажимовага акаси **Юсуф НАЖИМОВ**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Жиноятга жазо муқаррар

# КЕЧ БЎЛГАНДА «АТТАНГ»ГА НЕ ҲОЖАТ

Баъзан ўйлаб қоламан, жонажон юртимизда ҳар нарса учун қулай имконият муҳити яратилган. Бироқ, ана шу шарт-шароитлардан норози бўлиб, ўзича ўзгаришлар қилишга уринаётганларга нима етмайди?

Менинг ҳам бир қариндошим бўларди. Ақл-ҳуши жойида, тўртта тилда бемалол сўзлашар, компьютернинг "пири" эди. Маҳаллласидагилар унга ҳавас билан қарашар, болалари унга ўхшашни исташарди. Нима жин урдию унинг юриш-туриши ўзгариб қолди. Ҳатто ота-онасига ҳам қулоқ солмайдиган, ярим кечаси қаерлардадир изғийдиган одат чиқарди. Кейинчалик маълум бўлишича, турли экстремистик ғоялар таъсирига берилган ва ғаразли мақсадда ташкил этилган норасмий йиғинларда иштирок этиб келган. Экстремистик ва террористик ғоялар таъсирига тушиб улгурган, хаёлида фақат жиҳод қилишу Ўзбекистондаги амалдаги ҳукуматни ағдариб, ўрнига исломий давлатни барпо этиш эди.

Уни жамоат жойида варақа тарқатиб турган пайтда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари қўлга олишди. Маълум муддатга озодликдан маҳрум этишди. Орадан вақт ўтиб, мамлакатимизда илгари сурилган умуминсоний тамойилларга амал қилиб, кечиримлилик принциплари асосида амнистия акти билан қамоқдан муддатидан илгари озод қилинди. Бироқ, шундан кейин ҳам унинг ақли кирмади. Аксинча, яна ғараз ниятли гуруҳларга қўшилиб, турли бузғунчи ғояларни халқ орасида тарғиб қилишга киришиб кетди.

Албатта, хато бир марта кечирилади. Иккинчиси эса, хато эмас жиноят ҳисобланади. Шу тариқа унга суд томонидан ўн йил қамоқ жазоси белгиланди.

Икки фарзанди бўтадек бўзлаб, турмуш ўртоғи бевадек қолди.

Давлатимиз томонидан юртимизда тинчлик, осойишталикни сақлаш, кишиларни хотиржам ҳаёт кечиришларини таъминлаш йўлида олиб борилаётган изчил курашга қарамай, ҳануз ана шундай ёвуз ниятли кишиларнинг пайи тўла қирқилмаяпти.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди томонидан кўрилган ишда ҳам бир гуруҳ ақидапарастларнинг асл мақсадлари фош этилди.

Бахтиёр Махаматов, Шаҳзодбек Шодиев, Хуршид Ҳимматқулов, Алишер Тоғаев, Азиз Умаров, Ниғматилла Сохипов, Баҳодир Ибрагимов, Шуҳрат Ўтаров, Фаррух Раҳимов, Фарҳод Сайфуллаевлар ҳам юқоридаги каби мақсадни амалга ошириш, яъни Ўзбекистондаги Конституциявий тузумни ағдариб, ўрнига исломий давлат қуришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишганди. Бироқ уларнинг бундай хаёллари пучлигича қолди.

Б. Махаматов бошчилигидаги гуруҳ масжид ҳамда турли чойхона ва бошқа жамоат жойларида тўпланиб, "жиҳод", "ҳижрат" мавзуларида суҳбатлар ўтказар, гуруҳни кенгайтириш мақсадида аъзолардан янги одамларни олиб келиш талаб қилинарди. Йиғинларда "Ҳизб-ут-Таҳрир", "Ваҳҳобийлик" норасмий ҳаракатлари ғоялари шунингдек, "Сулҳ" маърузаларидаги қарашлар чуқур сингдириларди.

Бундай маърузаларни турли электрон йўллар билан кўпайтириб, тарқатилар, ундан тушган маблағ эса гуруҳ фаолиятини молиялаштиришга сарфланарди.

Н. Сохипов, Ҳ. Ҳимматқулов ва Ш. Ўтаровлар йиғинларни молиялаштирардилар.

Ҳ. Ҳимматқуловнинг уйида ўтказилган тинтув жараёнларида ақидапарастлик ғояларига йўғрилган "Религия истины – Ислам", "Имон заифлашуви" каби диний китоблар топилган.

Судга оид адабиётшунослик экспертизаси хулосасига кўра, ушбу китоблар мутаассиб гуруҳларга назарий тайёргарлик олиб бориш учун манба бўлиши, уларда ақидапарастлик ғоялари илдиз олишига имкон яратадиган маълумотлар мавжудлиги аниқланган. Шунинг учун ҳам бу каби китобларнинг мамлакатимиз ҳудудига кириши тақиқланган.

А. Умаровнинг уйи тинтув қилинганда эса, турли маърузалардан иборат диск топилган. Экспертиза текширувидан кейин ушбу дискларда ҳам мамлакат яхлитлиги, миллий бирликка рахна солувчи, диний мансубликка қараб аҳоли гуруҳларига нисбатан адоват, муросасизлик ёки нифоқ келтириб чиқариш, миллий шаън, қадр-қимматни камситишга, фуқароларнинг ҳис-туйғуларини ҳақоратлашга қаратилган, шунингдек, миллий, иркий мансубликка қараб, бевосита ёки билвосита афзалликлар бериш ғоялари мавжудлиги аниқланган. Унда бошқа динларга адоватда бўлиш, дўстлашмаслик, яҳудийлар билан алоқа қилмаслик, Чеченистондаги жангариларнинг фаолияти оқлангани, уларнинг жиҳодга тарғиб қилувчи даъватлари дискда келтириб ўтилгани айниқса кишини таажжублантиради.

Бу ўринда муқаддас Ислом динининг динлараро бағрикенглик тамойили қайда қолади? Қолаверса, кўпмиллатли ва кўпдинли мамлакат ҳисобланган Ўзбекистонда бундай тарғибот олиб боришдан четда турган раҳнамоларнинг мақсадлари нима?

Ўз-ўзидан аёнки бундай фитнакор гуруҳларни ўз ичимиздан шакллантириш ва ўзимизга қарши қўйиш фақат ва фақат ҳокимиятни эгаллашга қаратилган хатти-ҳаракатлардир.

Яна ва яна такрорлайверамиз. Бугун мамлакатимизда дин эркинлиги, эътиқод масаласидаги барча муаммолар ижобий ва реал ҳал этилган. Ҳеч ким мажбуран бирор динга эътиқод қилмайди ва ҳеч кимни ўз динидан ҳам қайтарилмайди. Фақат чегарадан чиқмаслик, диндан ўзининг шахсий ёки ғаразли мақсади йўлида фойдаланмаслик талаб этилади, холос. Ана шу талабларга бўйсунмаганлар эса жазодан қутулмайдилар.

Юқорида исм-шарифлари келтирилганларга ҳам қилмишларига яраша жазо белгиланди. Минг афсуски, қанча огоҳлантиришлар ва қатъий чораларга қарамай, бундай жиноий тўдалар ҳамон учраб турибди. Уларнинг пайини қирқиш, ўз тинчлигимизни сақлаш учун ҳар қадамимизда огоҳ ва ҳушёр бўлишимиз лозим. Акс ҳолда кеч бўлганда, "аттанг" деб қолишнинг ҳеч қандай фойдаси йўқ.

**Асил ЁРМАТОВ.**




## ШАҲАР ЎРТАСИДА ЁНГАН ПОЕЗД

**Квебек полицияси Лак-Мегантик шаҳарчаси ёнидаги поезд ҳалокати жойида 20 та жасад топди. Яна 30 кишининг тақдири номаълум бўлиб турибди. Полиция бу одамлар ҳам аллақачон ўлган бўлса керак, деб тахмин қилмоқда.**



Нефть ортилган 73 цистернадан иборат поезд 6 июль тунида Лак-Мегантик яқинида рельслардан чиқиб кетди. Ҳалокат оқибатида бир нечта цистерна ўт олиб, аланга шу яқин орадаги уйларга урди. Ёнғинни бартараф этиш учун ўт ўчирувчилар икки кун овора бўлишди.

Ҳодиса сабаблари ҳамон ноаниқ бўлиб турибди. Дастлаб бунга рельсларда турган составни эътиборсиз қолдирган машинистнинг лоқайдлиги сабаб дейилганди. Кейинроқ темир йўл компанияси вакиллари ҳодисадан бир неча соат олдин арзимаган туташни деб локомотив двигателини ўчирган ўт ўчирувчиларни айблашди. Канада полицияси юз берган воқеа бўйича жиноий иш очган.

Олти минг киши истиқомат қилувчи ва ўртасидан темир йўл ўтувчи Лак-Мегантик шаҳри маркази тунги воқеа туфайли деярли тўлиқ вайрон бўлди.

## МАЛИКА АЛДАГАН ЧЎРИЛАР

**Саудия Арабистони қироллиги оиласи вакиласи АҚШда одам савдосида шубҳаланиб, қўлга олинган. Малика оқибатда 12 йил озодликдан маҳрум этиш жазоси бериладиган жиноят тури билан айбланмоқда. Суд унга беш миллион долларлик гаров белгилаб, қўшма штатларни тарк этишни тақиқлаб қўйди.**




42 ёшли малика Мешаэль Алайбан Калифорния штатидаги Ирвайн шаҳри полицияси томонидан ҳибсга олинганди. Бунга сабаб унинг собиқ ходимаси – Кения фуқаросининг полицияга шикояти бўлди. Аёл 2012 йил Кенияда уни Саудия Арабистонида ишлаш учун ёллашгани, иш жойига келгач эса, паспортини олиб қўйишгани, пировардида келишилганидан анча кам ҳақ тўлашганини ҳикоя қилиб берди. Боз устига, дея таъкидлади ходима, иш берувчилар унинг қайтиб кетишига рухсат беришмаган.

Полиция вакилларининг айтишича, улардаги маълумотларга кўра, Кения фуқароси ва яна филиппинлик тўрт ходима АҚШга Алайбан оиласи билан 2013 йил май ойида келганлар. Кенияликка ойига 1600 доллар маош ваъда қилишган, бироқ у 200 долларга яқин ҳақ олган.

Алайбан уйига келганда тўрт филиппинлик аёл полиция вакилларига уларнинг ҳам эрки бўғилаётгани ҳақида шаъма қилганлар. Филиппинлик аёллар бўйича саудиялик маликага ҳеч қандай айблов қўйилмаган. Маликанинг адвокатлари оддий меҳнат низоси ҳақида гап бораяпти, деб уқтирмоқдалар. Уларнинг фикрича, беш миллион долларлик гаров ҳаддан зиёд чора бўлиб, ҳимоя остидаги аёл бадавлат эканлиги сабаблигина белгиланган. Алайбан болалигидан бери АҚШга ташриф буюради, бу мамлакатда ўз мулки бор ва у ҳеч қачон қонунларни бузмаган, деб таъкидлашмоқда адвокатлар.

## ХАЛҚАРО АЭРОПОРТДАГИ ТАҲЛИКА

**Электрон носозлик туфайли Токиодаги Нарита халқаро аэропорти иккинчи терминалида хорижга учаётган йўловчиларга хизмат кўрсатиш уч соатга тўхтатиб қўйилди. Юкларни текшириш тизимидаги портлатгичларни аниқлаш ва иммиграция хизмати компьютерларини огоҳлантириш тизими ишламай қолгани бунга сабаб бўлди.**



Техник муаммолар Нарита иккинчи терминалида парвозга шайланган 700 га яқин йўловчининг навбатда туриб қолишига олиб келди. Кейинроқ юкларни текшириш жараёни тикланди, аммо иммиграция хизматининг айрим компьютерлари ҳамон ишламаяпти. Икки тизим ўзаро боғланмагани сабабли мутахассислар кўпсоатли носозлик сабабини аниқ айтиб бера олмаяптилар.

## ИККИ МИНГ ЙИЛЛИК ПИРАМИДА

**Мексикалик қурувчиларнинг ҳушёрлиги туфайли шарқий Веракрус штати ҳудудида омборлар мажмуаси қурилаётган ерда маҳаллий археологлар муҳим бир нарсани кашф этдилар. Ерни қазиётган ишчилар кўҳна қурилмалар харобаларига дуч келишди. Кейинчалик маълум бўлишича, улар бундан икки минг йил аввал қурилган экан.**



Топилма жойига етиб келган тадқиқотчилар қазилмалар чоғида баландлиги 12 метрли пирамида ва 30 та бола қабрини топдилар. Кўҳна қурилмалар орасида лойдан ясалган одамчалар шакллари ҳамда ҳайвонлар ва балиқлар қолдиқлари ҳам бор. Жумладан, бундан 10 минг йил аввал йўқ бўлиб кетган мегалодон акуласи тишлари ҳам топилган. Олимларнинг фикрича, жонзотлар қолдиқларини кўҳна турар-жой эгалари ҳозирги Мексиканинг бошқа ҳудудларидан олиб келишган. Зеро, Веракрусда шу пайтгача бундай топилмалар учрамаган.

Археологлар ҳозирча ўз ишларини ниҳоялаганлари йўқ. Шу боис, яна анча қизиқарли кашфиётлар очилиши мумкин. Бу орада ишчилар омбор қуриш ишини давом эттиришга рухсат олишди. Тўғри, қурилиш лойиҳасига айрим ўзгартиришлар киритишга тўғри келди: мажмуа ҳудудига ташриф буюрувчилар қурувчилар ҳушёрлиги туфайли йўқ қилиб юборилмаган қизиқарли археологик топилмаларни кўриш бахтига муяссар бўлувчи музей ташкил этилади.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Бекзод ҲИДОЯТОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 7501. Адади 7 758. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.40.